

Тақво сари илк одим: Муҳасаба

05:00 / 01.03.2017 4439

Тақвога етишиш учун қўйиладиган илк одим – кишининг ўз амалларини ҳисоб-китоб қилишидир. Бунга араб тилида муҳасаба дейилади.

Қуръони Каримда

Қуръони каримнинг Хашр сурасида Аллоҳ таоло шундай дейди:

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ الَّذِي آوَىٰ قُلُوبَنَا وَوَدَّعَا قُلُوبَنَا وَوَدَّعَا قُلُوبَنَا وَوَدَّعَا قُلُوبَنَا
وَوَدَّعَا قُلُوبَنَا وَوَدَّعَا قُلُوبَنَا وَوَدَّعَا قُلُوبَنَا وَوَدَّعَا قُلُوبَنَا

Маъноси: Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглар! Ҳар ким эрталик учун нима тақдим қилганига назар солсин. Аллоҳга тақво қилинглар! Албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир. (Хашр сураси:18)

Ушбу оятда ҳар бир инсон қиёмат куни учун нима иш қилганини ўйлаб қўйиши кераклиги алоҳида таъкидланмоқда. Оятнинг аввалида Аллоҳ таоло тақво қилишга, сўнг киши ўз амалларини ҳисоб қилишига, сўнггра яна тақво қилишга чақирилмоқда.

Саҳобалар муҳасаба ҳақида

Улуф саҳобалардан бири бўлмиш Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтганлар: «Эй одамлар! Ҳисоб қилинишдан олдин ўзингизни ҳисоб қилингиз, (амаллар) тарозига қўйилишдан олдин нафсингизни тарозига қўйингиз! Чунки, (бугун) нафсингизни ҳисоб қилишингиз эртага (қиёматда) ҳисобингизни енгиллаштиради. Катта ҳисоб-китоб кунига ўзингизни ҳозирлангиз!»

Кундалик ҳаётда муҳасаба

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ўз амалларини сарҳисоб қилиб юрувчи бир кишини мақтаган эдилар. Айтилишича, ўша киши доим ёнида бир халтача кўтариб юрар, бу халтачага ҳар сафар яхши иш қилганида бир оқ тош,

уларнинг ўз пайғамбарларига кўп савол бераверишлари ва кўрсатмаларига хилоф иш қилишлари бўлган". (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таълимотларини таҳлил қилиб ўргансак, қуйидагиларни билиб оламиз:

- Энг аввало, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нимадан қайтарган бўлсалар, ана ўша нарсалардан йироқ бўлиш керак. Демак, аввал ҳаромдан узоқлашиш керак.
- Кейин эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрган нарсаларни ҳар бир киши ўз имкониятларига қараб бажаришга уриниш керак.

Агар сиз унутиб ёки хато қилиб ҳаром ишга қўл уриб қўйсангиз, нима қилиш керак? Тавба! Тавба бу:

- Қилинган амалга пушаймон бўлиш
- Уни қилишни тўхтатиш
- Ёмон амал ортидан яхши амал қилиб қўйиш.

Маслаҳат: Ўз амалларингизни сарҳисоб қилиб юришни қасд қилган экансиз, энг аввало динда тақиқланган амалларга назар солинг.

#2: Мажбуриятлар

Таъқиқлардан сўнг, мажбуриятларга эътибор қаратинг. Ушбу ҳадис мана шу ҳақида:

لَجَّوْزَعَانُ بَرُّ لِقْوَيْهِ، وَالصَّلَاةُ وَالْمَوْلَامُ عَمَّا نَمَّ عَمَّا يَقُولُ مَوْيِهِ وَبُسَانِ الْجَبَسِ أَحْيِي أَمَلًا وَوَأَنَّ
عَمَّاتٍ تَنَاقُفُ، أَوْ صَقْنًا مَأَاهَمَتَا يَدْبَعُ عَالِصِي فِ أَوْرُطْنَا - مَلْعَأُ وَوَهْ - هَتَكُئِئَالِمَل
عُغْوَطَاتُ نَمَّ يَدْبَعُ لَهْ أَوْرُطْنَا لِقَائِي شَاهَمَ صَقْتْنَا نَأَكْنَا وَ، عَمَّاتُ هَلْ تَبْتُكُ
كَلْدُلْ شَمُّ عَالْزَلَامُثْ، عُغْوَطَاتُ نَمَّ هَتَصْ يَرْفِي دَبْعَلِ أَوْمَتَا لِقَائِي عُغْوَطَاتُ هَلْ نَأَكْنَا
كَلْدَبَسَحَ لِقَائِي عَمَّاتُ أَلْ دَحْوَثُ مَثْ

Маъноси: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларнинг қиёмат куни энг аввал ҳисоб-китоб қилинадиган амаллари намоздир. Аллоҳ аzza ва жалла Ўзи билиб турса ҳам, фаришталарга: «Бандамнинг намозига назар солинглари. Уни тугал қилдимикан ёки ноқис қилдимикан?» дейди. Бас, агар (намози) тугал бўлса, унга (намози) тугал, деб ёзилади. Агар у (намоз)дан бирор нарса камайган бўлса, У зот: «Назар солинглари,

бандамнинг нафли бормикан?» дейди. Бас, агар нафли бўлса, «Бандамнинг нафл (намоз)идан фарзини тугал қилинглар», дейди. Сўнгра закот ҳам шунга ўхшаш бўлади. Кейин ҳамма амаллар ана шунга ўхшатиб олинади», дедилар». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадисда, банда аввал фарз амалларидан сўралиши, агар унда бирор нуқсон бўлса, унинг ўрни нафл ибодатлар ҳисобига тўлдирилиши маълум бўлмоқда.

Маслаҳат: Амалларинингизни сарҳисоб қилишда фарз амалларни қай даражада бажарганингизга эътибор қаратинг. Барча фарзларни адо қилдингизми? Қаердадир нуқсонга йўл қўйдингизми? Унинг ўрнини тўлдирувчи нафл/қўшимча амалларингиз борми?

#3: Тил, Қўл, ва Оёқ

Бу уч аъзо орасида, тил қолганларини ортида қолдиради. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

مَنْ جَلَّأُ لُحْيَتَهُ لَمْ يَصْرَأْ لِحْيَتِهِ وَ مَنْ جَلَّأُ لِحْيَتَهُ لَمْ يَصْرَأْ لِحْيَتِهِ

Маъноси: «Ким менга икки оёғи орасидаги нарсани ва икки жағи орасидаги нарсани муҳофаза қилиб берса, мен унга жаннатни муҳофаза қилиб бераман», дедилар». Бухорий ва Термизий ривоят қилдилар.

Муҳасаба жараёнида ўзингиздан сўранг: Ёлғон гапирдимми? Хиёнат қилдимми? Ўғирладимми? Фиёбат қилаяпманми? Балким сиз тушган вазиятлар (бораётган жойингиз, бирга вақт сарфлаётган ҳамроҳларнингиз) тил орқали гуноҳ ишлар қилишингизга сабабчи бўлаётгандир?

Маслаҳат: “Тил тақвими” устида ишланг. Неча кун тилингиз орқали гуноҳ иш қилмаганингизни санаб юринг. Қачон тил орқали бирор гуноҳ иш қилсангиз, ўша кунни тақвимда лоҳида белгилаб қўйинг, ва яна бошидан санашни бошланг. Сиз агарда 30-40 кунлаб тилингиз орқали гуноҳ қилмай юра олсангиз, демак, сиз тилингизнинг жоловини тутиб олибсиз.

#4: Диққатнинг бўлиниши ҳоллари

Агарда сиз жуда банд бўлсангиз ёки кўнгилхушлик ишларига (музиқа тинглаш, телевизор, видео кўриш, кераксиз китоб ўқиш ва ҳоказо) кўп вақт сарфлаётган бўлсангиз, буни қайд қилиб боринг. Улар ўрнини зикрга бўшатиш керак.

Маслаҳат: Ҳар бир ҳолат учун махсус зикр мавжуд. Телефонингизга зикрга оид турли-туман иловаларни кўчириб олинг ва ҳар бир ҳолат учун махсус дуоларни ўз вақтида ўқиб юринг.

Хулоса ўрнида

Муҳосабанининг мана шу кўринишида эгаллаб олсангиз, кечинчалик уни доимий равишда кучайтириб бораверасиз. Ҳар кун нафсингизни янада яхшироқ ўринда топасиз.

Ilmfruits.com сайти маълумотлари асосида

Саид Комил тайёрлади